

ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ЎСМИРЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

*Зомин тумани 34- мактаб
Махмудова Дилфуза Жумабоевна
амалиётчи психолог*

Аннотация: Тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлашда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш йўллари аниқлаштириш.

1. Тарбияси оғир ўсмирларнинг педагогик-психологик ўзига хосликларини очиб бериш.

2. Тарбияси оғир ўсмирлар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият мазмунини ёритиб бериш.

3. Тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлашда бадиий педагогиканинг имкониятларини кўрсатиб бериш. Тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлашда Тоҳир Малик асарларидан фойдаланиш.

Калит сўзлар: Педагог, ўсмир, тарбия, таълим, оила, муҳит

Кириш: Юртбошимизнинг “Бугун олдимизда турган ўта муҳим, улкан вазифалардан яна бири – бизнинг ўрнимизга келаётган, ўз фикри, ўз дунёқараши, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган янги авлод тарбиясидир”¹, деган фикрлари педагог-ўқитувчилар олдида Ватанимиз мустақиллиги йўлида бошланган ислохотларни давом эттиришга тайёр бўлган, ўз фикри ва дунёқарашига, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган янги авлодни тарбиялашдек улуғ вазифа қўйилганини яна бир бор тасдиқлайди.

Узлуксиз таълим жараёнида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масаласи кенг ўрганилган соҳалардан бири бўлиб, ўзига хос педагогик тизимнинг ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланади. М.Очилов, К.Ҳошимов, Р.Ҳ.Жўраев, О.Мусурмонова, С.Нишонов, У.И.Маҳкам, М.Иномов, М.Қуронов, С.Очилов, Н.О.Ортиқов, Ш.Т.Халилова, Н.М.Эгамбердиева, Ш.С.Шодмонова, Қ.Қуронбоев, Ш.Олимов, Г.Махмутова, Н.Н.Джамилова каби олимлар таълимнинг турли босқичларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик асосларини ишлаб чиққанлар.

Тарбияси оғир ўсмирларнинг психологик-педагогик ўзига хосликлари

Инсон шахс сифатида шаклланишида биологик ва ижтимоий омилларга боғлиқ экан. Демак, болалар хулқ-атворининг салбий томонга оғиши ҳам бевосита юқоридаги икки омилнинг ўзига хос ўрни бор. Боланинг хулқ-

атвори кўпинча ўз олдига қўйган мақсадлари, қизиқишлари, идеаллари ва эътиқодининг мажмуида яққол намоён бўлади. Хулқ-атвордаги ўзгаришлар ёш кризислари билан боғлиқ юз бериши табиий.

Психолог-педагоглар ёш давларни таҳлил қилиб, уларни ҳар бири бола, ўсмир ва ўспирин ҳаёти учун етакчи ўрин тутати.

Америкалик психолог А.Гезелл ўсмир ёшининг давланишига алоҳида эътибор қаратиб, ўзига хос хусусиятларни шарҳлаб ўтган эди. Масалан: 10-ёш ўсмирлар мувозанатли ҳаётни тез идрок этувчи, ишонувчан, ота-оналарига итоатли, ташқи қиёфа ҳақида кўп эътиборсиз бўлганлиги боис бу олтин ёш ҳисобланади.



11-ёш организмда қайта қуриш юз беради, болалар ғайри шурурли, негативликни намоён қилади, кайфияти тез ўзгаради, ота-оналарига нисбатан норозилик билдирувчи.

12-ёш тез жазавага тушувчан, дунёга нисбатан ижобий муносабат шаклланади, ўсмирда оиласига нисбатан автономлик ва тенгдошларига таъсири ортади. Уларда ақллилик, ҳазил-мutoйбага мойиллик, чидамлилик, ташаббускорлик, ташқи қиёфа ва қарама-қарши жинсдагиларга эътибори орта бошлайди.

13-ёш ўзининг ички дунёсига эътиборлик, интровертлик хос бўладики, улар ўзини ўзи танқид қилишга, ва танқидларга нисбатан таъсирланувчан, ота-оналарга танқидий муносабат билдирувчи, дўст танловчи, тўлқинланиш ва ҳаёжонланиш ортади.

14-ёш ўсмирлардаги интроверсия экстрроверсияга алмашинади, шижоатли, хушмуомила, ўзига ишонч ортади, бошқаларга эътибори ортади ва улар ўртасидаги фарқни ажрата бошлайди.

15-ёш – бу ёшдагилар учун мустақиллик орттади, бу эса уларнинг оила ва мактаб билан боғлиқ зўриқишларга дучор этади. Уларни гуруҳли ҳаракат қилишга ва гуруҳдагиларга мослашишга интилиш ортади.

16-ёш ўспиринлар ҳисобланиб, уларда мувозанатлашув, ҳаётдан қувониш, ички мустақиллик, эмоционал барқарорлик, муомалалга мойиллик, келажакка интилувчанлик ортади.

Маълумки, ўсмирларда ҳулқ-атворининг ўзгариши тажовузкорлик хусусиятларид яққол намоён бўлади.

Тажовузкорлик-психолог учун кўп ҳолларда тадқиқот ва изланиш объекти бўлиб хизмат қиладиган руҳий фазилатлардир. Тажовузкорлик турлича талқин қилинади. Кўпинча тажовузкорлик ҳақида ҳуқуқий жиҳатдан хавфли, жиноий ҳулқ-атвор сифатида гапирилади: уни балоғатга етмаган шахснинг импульсив (бошқарилмайдиган) ҳаракати, шунингдек ҳиссий жиҳатдан беқарор ўзига хос ҳулқ-атвор сифатида баҳоланади.

Мактаб психологи тажовузкорликнинг турли кўринишларига дуч келишга тўғри келади. Кўпинча турли мотивлар асосида юзага келадиган ҳулқ-атвор тажовузкорликка учрайди. Бу кўпинча ўғил болаларда учрайдиган шафқатсизлик, олға интилувчанлик ва ўзини тасдиқлашга бўлган ҳатти-ҳаракат сифатида намоён бўлади.

Кўп ҳолларда тажовузкорлик оммовий ахборот воситалари (телевидиния, кино, дидиктив романлар)да учрайдиган шахсий фазилатларга тақлид этиш натижасида шаклланади.

Бола тарбияси инсоният мавжудлигининг муҳим шарти ҳисобланганлиги боис, у дунёга келмасданок тарбиявий тадбирларни бошлаб юборилади. Шундай бўлса-да жамиятда қанчалик тарбиявий таъсир кўрсатилмасин, ҳулқ-атворида салбий иллатларга мойил, ижтимоий меъёрларни қабул қилолмаслик хоҳиши, ҳатти-ҳаракатларини назорат қилишдан ҳоли бўлмаган болаларни учратамиз. Уларни табиатан шундай ҳулқ-атворга эга деб, эътибордан четда қолдириш ёки чора-тадбирлар ишлаб чиқмаслик жамият учун каттадан-катта юқотишларга олиб келади. Шу боис тарбияси ва ҳулқ-атворида ўзгариши бўлган болаларга ёрдам кўрсатувчи кишилар психологлар, педагоглар ҳисобланади. Чунки тарбияси қийин болаларда бир қатор ўзига хос типик иллатлар кузатиладики, улар:

- ◆ ота-оналар, педагоглар ва бошқа катта ёшдагилар билан муносабатда;
- ◆ ўртоқлари, синфдошлари ва бошқа тенгдошлари билан муносабатда;
- ◆ ўзига муносабатда ва ўзини ўзи тушунишда;
- ◆ ички ягоналик, бошқалар билан бирлашув бўла олмаслиги;
- ◆ ўқишдаги қийинчиликларни бошдан кечируви каби типик иллатлар кузатилади.

Ушбу иллатлардан болаларни халос этиш ёки уларни олдини олиш учун қандай ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш мумкин.

Бизнингча, тарбияси қийин болаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос тартиби бўлиш керак. Бугунги кун психологик-педагогик тажрибалар тарбияси қийин болаларга психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш учун қуйидаги тартибда иш тутишни тақазо этмоқда:

1. Ёш жиҳатларига қараб профилактика ва психокоррекция ишларни бошлаш талаби. Чунки, тарбияси қийинларга ўсмирлик ёшига хулқдаги бузилиши қатъий шаклланган вақтда келиб профлактик ва коррекцион тадбирларга қўл урилади. Балки хулқ-атвордаги ўзгариш болалик даврида намоён бўлган ҳолда, унга чора кўришни кутиб бўлмайди. Шу боис кичик мактаб ёшдаоёқ мақсадли профилактика ва психокоррекция ишларини анча илгари бошлаш лозим.

2. Ишни дифференциал ва индивидуал ташкил этиш. Бунда болаларнинг тарбиявий-профлактик жараёнда ёш ва жинсига қараб дифференциал ҳамда уларни ҳар бирини индивидуал хусусиятларга қараб ишни режалаштириш.

3. Ишдаги хилма-хиллик таъминлаш, яъни вазият, шарт-шароитга қараб усуллар, воситалардан фойдаланиш.

4. Инсонийлик муносабатидан ёндашиш. Болалар билан ишлаётганда уларни ҳар бир тоифасига қандай миллатга хослиги, дунёқараши, динидан қатъий назар ишонч унинг қизиқишларини ҳисобга олиб, унга очиқ кўнгиллик билан муносабат ўрнатиш лозим.

5. Минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиш. Тарбияси қийин болалар билан тарбиявий-профлактик тадбирларни ўтказиш жараёнида уларни ижтимоий—маданий ва иқтисодий вазиятларга таяниб, у ташкил этилаётган минтақанинг хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Албатта юқорида санаб ўтилган талаблар умумийдир, аммо тарбияси қийин болалар билан ишлаётган вақтда уларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш учун бир қатор метод, амаллар ва тактлардан фойдаланишни билиш лозим.

Тарбиявий воситалар орасида тарбия амаллари борки, уларни самарали ташкил этиш ва амалга ошириш ижобий натижаларга олиб келади.

Тарбия амаллари тарбия методларининг таркибий элементлари бўлиб, улар тарбиявий таъсир самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради. Биз тарбияси қийин болалар билан ишлаш жараёнда мутахассислар бир қатор тарбия амалларидан фойдаланишлари ўринлидир деб ҳисоблаймиз.

Педагогик адабиётлар таҳлили асосида тарбия амалларини мақсад ва йўналишидан келиб чиққан ҳолда уларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиш имконини берди.

Биринчи гуруҳга тарбиячининг тарбияланувчига мурожаат этиши орқали унинг шахсий эҳтиёжларини аниқлаш ёрдамида ташкил этиладиган амаллар.

Бу амаллар тоифасига ёрдам кўрсатишга эҳтиёжни аниқдаш амали. Тарбиячи тарбияланувчига маслаҳат маъносида мурожаат қилиб, ўз муаммолари ҳақида сўзлаб беришини сўрайди ва шу аснода муаммонинг ечиш йўллари топади.

Яхши хатти-ҳаракатларга йўналиш бериш амалидан тарбиячилар тарбияланувчиларга ёрдам зарур бўлганда кўмак берадилар. Бунда ижобий хатти-ҳаракатларга алоҳида урғу берилади.

Ҳаёт истиқболини белгилашга кўмаклашиш амали. Педагог суҳбат жараёнида тарбияланувчининг ҳаёт режаларига аниқлик киритади. Шундан сўнгра тарбияланувчининг режаларини амалга оширишига кўмак берилади.

Ўзи ва бошқалар ҳақида сўзлаб бериш амали. Тарбияланувчи ўтган кунлар ҳақида ҳар бири ҳикоя ёзишни тавсия этилади. Шундан сўнгра уларга бошқача яшаш мумкинлиги сўралади.

Менинг идеалим. Суҳбат жараёнида тарбияланувчиларнинг идеали аниқланади ва унинг ижобий ахлоқий сифатлари ажратилиб баҳоланади.

Тарбияланувчилар учун эртақ. Бу эртақтерапия ғояларини бажариш учун фойдаланилади. Тарбиячилар қаҳрамонлар тарбияланувчиларга ва уларнинг атрофдагиларига ўхшаган кишилар иштироки тўғрисида эртақ тузадилар. Эртақ охирида педагог ва ўқувчилар ўзаро мулоҳаза юритадилар.

Иккинчи гуруҳга гуруҳий фаолиятни ташкил этишга асосланган тарбия амалларини киритиш мумкин.

Ушбу тоифа тарбия амалларидан бири фикрлар эстафетаси бўлиб, ўқувчилар берилган мавзу бўйича занжирсимон тарзда бирдан сўнгра иккинчиси сўзлайди, бир-бирини тўлғазади, аниқлик киритади.

Ўзини ўзи руҳлантириш амали. Ўқувчилар гуруҳларга ажралиб, бир-бирига маълум саволлар билан мурожаат қиладилар, Берилган савол ва жавоблар солиштирилиб, сўнгра муҳокама қилинади.

Эркин мавзуда суҳбатлашиш амали. Бунда ҳар бир тарбияланувчи ўзи қизиқадиган бирор мавзу бўйича ҳикоя тузади ва гуруҳдагиларга ҳикоя қилиб беради.

Учинчи гуруҳга ўқитувчиларнинг ўқувчиларга атрофидаги муҳитни ўзгартиришга йўналтирилган ташкилий фаолиятларига қаратилган амаллар киритилади.

Кўрсатма бериш амали. Тарбияланувчиларга муомалага ва хулқ-атвор қоидаларига таяниб, берилган топшириқларни бажариш сўралади. Тарбияланувчилар ўйин қоидаларига мувофиқ ўз мулоҳазаларини беришлари

мумкин. Таклифлар жараёнида ҳар бир тарбияланувчининг мавқеини ҳимоялаш инobatга олинади.

Ролларни тақсимлаш амали. Ушбу тарбия амалида тарбияланувчилар берилган мавзуни билишига қараб роллар тақсимланади ва улар топшириқни бажариши сўралади.

Бундан ташқари учинчи гуруҳ тарбияланувчилари ижодий ёндашиш, ҳар хил ролли ўйинлар тарзидаги амаллардан фойдаланишлари мумкин.

Тарбияси оғир ўсмирлар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият мазмуни

Таълим муассасасида коррекцион фаолиятни ташкил қилиш педагоглар томонидан шахс ривожланиши жараёнини бошқариш – тарбияланувчиларда маънавий камолот, диний бағрикенглик, мафкуравий иммунитет, соғлом турмуш тарзи, экологик ҳамда сиёсий-ҳуқуқий билим ва маданият, иқтисодий ва педагогик-психологик билим, кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга ва охир оқибатда, ҳар томонлама баркамол инсон бўлишга интилган шахсни тарбиялаш демакдир.

Тарбияланувчи шахси ривожланишини бошқаришнинг самарадорлиги тарбиячи томонидан шахсни қай даражада чуқур ўрганилганлиги ҳамда ундаги мавжуд имкониятлар (қобилият, майл, қизиқиш кабилар) тўғрисида маълумотларнинг тўпланганлигига боғлиқ бўлади.

Тарбиявий коррекцион фаолият орқали шахс ривожланиши ўзаро боғлиқ бўлган икки жараёни бошқариш орқали амалга оширилади.

1. Педагогик ташхис методлари ёрдамида ҳар бир тарбияланувчи тўғрисида маълумотларни тўплаш.

2. Тарбияланувчиларда улардаги мавжуд муаммони бартараф қилишга мос бўлган тарбиявий таъсирга эга бўлган тадбирларни ташкил қилиш².

Маълумки, «Педагогика» курсида тарбия методларининг мазмунини қуйидаги хусусиятлар белгилайди:

– тарбиячининг тарбияланувчига ишонтириш, тушунтириш, ўргатиш, талаб қилиш, буюриш, жазолаш, рағбатлантириш, шахсий намуна кўрсатиш, авторитет, илтимос, маслаҳат орқали таъсир ўтказиш:

² Қаранг: Подласый И.П. Педагогика: в 3-х кн., кн. 3: Теория и технологии воспитания: учеб. для студентов вузов. – Москва: ВЛАДОС, 2007. – Б. 235-236.

– тарбияланувчининг маълум бир вазиятда ўзини тутиши, хатти-ҳаракатларни амалга ошириши ҳамда муносабатини ўзгартиришига мажбур қилувчи вазиятларни уюштириш;

– тарбияланувчи учун аҳамиятли бўлган референт гуруҳ (синфдошлари, курсдошлари жамоаси)нинг, ёки унинг учун нуфузли бўлган кишиларнинг – ота-онасининг, мутахассис-олимларнинг, давлат арбобларининг фикрлари;

– тарбиячи ва тарбияланувчининг мулоқот ёки тадбирдаги биргаликдаги фаолияти;

– оила аъзолари даврасида ахлоқий, ижтимоий ёки касбий масалалар юзасидан маълумот алмашиш;

– миллий анъаналар, урф-одатларни билиш ва уларга риоя қилиш³.

Юқорида қайд қилинган тарбия методлари мазмунини ташкил қилган барча хусусиятлар тарбиявий коррекцион фаолиятда ҳам ўз аксини топади.

Тарбиявий коррекцион фаолият жараёнида тарбиячи коррекция мақсадларига мос равишда, умумпедагогик методлар билан бир қаторда махсус тарбия методларини танлаши ва улардан фойдаланиш кетма-кетлигини белгилаши лозим бўлади. Таъкидлаш жоизки, “яхши” ёки “ёмон” методларнинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Тарбиявий таъсир самарадорлиги қатор омилларга ва педагогик талабларнинг бажарилишига, тарбия методларидан фойдаланиш мантиғига ҳамда уларни амалда қўлланилиш кетма-кетлигига боғлиқ.

Бир қатор педагог (Л.В.Голиш ва Д.Т.Саидова⁴, А.Д.Гонеев⁵, Т.Г.Никуленко⁶) ва социолог (Н.И.Никитина ва М.Ф.Глухова⁷) олимларнинг фикрига кўра, таълим муассасаларида тарбиявий коррекцион фаолиятни самарали ташкил қилиш учун тарбиячидан коррекция жараёнига проектив ёндошиш, тарбияланувчининг коррекция жараёнида ўз шахсий тажрибасига таянишга ўрганишни таъминлаш, рефлексив англаш ва билиш фаоллигини намоён қилиш, ўзаро дўстона муносабатда бўлиш ҳамда яхши моддий-техника базанинг мавжудлиги талаб қилинади.

Проектив ёндашув коррекция жараёнига худди лойиҳа тарзидаги муносабатни шакллантириш орқали тарбия жараёнининг яхлитлигини, унинг

³ Қаранг: Бордовская Н.В., Реан А.А. Педагогика: Учебник для вузов. –М СПб: Издательство “Питер”, 2000. – С.39-40.

⁴ Қаранг: Голиш Л.В., Саидова Д.Т. Тренинг – форма оперативного повышения квалификации педагогических кадров (В вопросах и ответах): Учебно-методическое пособие. –Т.:ТГЭУ, 2008. –144 с.; Голиш Л.В. Педагогический мониторинг: проектирование и реализация // Проект ТАСИС «Содействие реформированию профессионального образования в Узбекистане». –Т., 2001. –43 с.

⁵ Қаранг: Гонеев А.Д. Основы коррекционной педагогики Учебное пособие для студентов высш.пед.уч.заведений/ Под ред. В.А.Сластенина. –М.: Академия, 2001. –280 с.

технологик тарзда олиб борилишини ва кутилган натижа билан якунланишини таъминлайди. Бунинг учун аввал коррекциядан кутиладиган натижа ва мақсад аниқланади, сўнгра вазифалар белгиланади. Сўнгра эса, белгиланган вазифаларни бажариш учун коррекция йўллари ва воситалари танланиб, кутилаётган натижага эришиш учун тарбияланувчи шахсининг ривожланиш жараёнини бошқариш амалга оширилади.

Ўз шахсий тажрибасига таянган ҳолда ўрганиш – тарбиявий коррекция жараёнида тарбияланувчи ўз тажрибаси ва моделлаштирилган шароитда шаклланган кўникмалар асосида тарбияланувчи шахсини ўрганади, у ёки бу фазилат унинг хулқ-атворига айланиб боради.

Рефлексив англаш – коррекция жараёнида тарбияланувчи самарали ва самарасиз фаолият моделларини кузатиш орқали уларни ўзидаги хулқ-атвор алгоритмлари билан ўзаро таққослаш имконига эга бўлади.

Билиш фаоллиги – тарбияланувчилар томонидан у ёки бу фазилатни шакллантириш ёки муаммоларни ҳал қилишнинг самарали йўллари ва воситаларини ўзлари танлашларида, ўз фикр ва мулоҳазаларига эга бўлишларида намоён бўлади. Билиш фаоллиги юқори бўлган ҳолларда, зарур дидактик материаллар етарли бўлса, тарбияланувчиларда ўз-ўзини коррекция қилиш имконияти туғилади.

Тарбияланувчининг ижтимоий тажрибасидан фойдаланиш – тарбиявий коррекцион фаолият жараёнида тарбияланувчилар ўзларининг ижтимоий тажрибалари, дунёқарашлари ҳамда қадриятларига танқидий назар билан қарашлари мумкин. Бу ҳол уларни ўз ҳаётий тажрибаларини таҳлил қилишларига, тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлашларига ҳамда бошқаларнинг самарали тажрибасини ўз фаолиятларига татбиқ қилишларига имкон беради.

Ишчанлик муҳити ва ўзаро дўстона муносабат тарбияланувчининг коррекция жараёнида тарбиячи билан эркин ва самимий муносабати шаклланишига, бу жараёнга нисбатан қизиқиш ва хоҳишнинг шаклланишига ижобий таъсир қилади.

Бу шартнинг бажарилиши коррекция гуруҳ билан ташкил қилинган ҳолларда ижтимоий муносабатларни осон моделлаштиришни ҳамда гуруҳ аъзоларининг бир-бирларига ўзаро фаол ёрдам беришларини таъминлайди.

Моддий-техника база деганда тарбияланувчиларга бериладиган тарқатма материаллар ва кўргазмали куроллар, ижтимоий ва касбий фазилатларнинг ўз хатти-ҳаракатларида намоён бўлишини кузатишлари учун ўқув фильмлари ва видеоускуналар назарда тутилади.

Шундай қилиб, тарбиявий коррекцион фаолиятни самарали ташкил қилиш учун қуйидаги талаблар бажарилиши керак бўлади:

- тарбияланувчида коррекциянинг мақсади тўғрисида аниқ тушунчанинг шаклланганлиги;
- тарбияланувчи белгиланган мақсадга эришиш учун коррекция жараёнида бажарилиши зарур бўлган вазифаларни ҳамда уларнинг кетма-кетлигини билиши;
- тарбиячи ва тарбияланувчининг коррекция жараёнига тайёр бўлиши;
- коррекция жараёнида тарбияланувчининг фаоллигига эришиш;
- тарбиячи томонидан ўз тажрибасини таҳлил қилиб, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини фарқлашга интилиши;
- коррекция жараёнида вақт меъёрларига риоя қилиш;
- зарур моддий-техника базасининг мавжудлиги.

Тарбиявий коррекцион фаолиятнинг мақсад ва вазифалари мазкур фаолиятнинг тамойилларидан келиб чиқиши ва уларга асосланиши зарур. Педагогика фанида тамойиллар деганда педагогик фаолиятни ташкил қилишнинг бирламчи асоси тушунилади, тамойилларга мувофиқ педагогик фаолиятнинг йўналишлари, мақсади ва натижалари белгиланади.

Маълумки, педагогикада тарбиявий фаолият тамойиллари деганда куйидагилар тушунилади:

- тарбия жараёнининг мақсадга йўналтирилганлиги ва ғоявийлиги;
- тарбияда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устунлиги;
- тарбия жараёнининг изчиллиги ва тизимлилиги;
- тарбия жараёнининг амалиёт билан уйғунлиги;
- тарбияланувчи шахсини ҳурмат қилиш;
- тарбияда тарбияланувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
- тарбияда тарбияланувчи хулқидаги ижобий сифатларга таяниб, ундаги салбий жиҳатларини бартараф қилиш.

Психологик, педагогик ва махсус адабиётларда коррекцион фаолият тамойилларини таснифлашга доир турлича ёндашувлар мавжуддир. Тасниф беришда тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи коррекция жараёнининг ташхисий ёки профилактик йўналтирилганлигига таянсалар, бошқалари эса, бола психикасининг ривожланиши ҳамда хулқида ҳамда ривожланишида оғишиш бўлган болаларнинг шахслараро муносабатларидаги ўзига ҳосликларни асос қилиб олганлар.

Тарбиявий коррекцион фаолиятда умумпедагогик тамойиллар. Умумпедагогик тамойиллардан тарбиявий коррекцион фаолият учун энг аҳамиятли бўлгани педагогик жараённинг мақсадга йўналтирилганлигидир. Мақсад, ҳудди қонунга ўхшаб, киши фаолиятининг характери ва воситасини

белгилайди. Тарбияланувчи шахси ривожланиши ва тарбиясининг умумий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, тарбиявий коррекцион фаолият жараёнида тарбияланувчи шахсининг мавжуд бўлган ҳолати билан эришиш режалаштирилаётган ҳолатини таққослаш (қиёслаш)нинг рўй бериши, коррекция ёрдамида режалаштирилган натижага эришиш йўллари, воситалари ҳамда босқичларининг мазмунини белгилашга, унинг дастурини шаклланишига замин яратади.

Кейинги тамойил – педагогик жараённинг яхлитлиги ва тизимлилиги бўлиб, бунда педагогик жараённи тизим, яъни ўзаро муносабатда ва боғлиқликда бўлиб, ўзига ҳос яхлитликни ҳосил қилган элементлар мажмуаси, деб қаралса, тарбиячининг тарбиявий коррекцион фаолияти шу тизимнинг ички тизими, субъектив тизим ёки элементларидан бири бўлади. Шу билан бирга, тарбиявий коррекцион фаолиятни бошқаришга асосланган тизим таркибини ўзаро боғлиқ бўлган ва ягона мақсадга қаратилган фаолиятни таъминлаш имконини берувчи элементлар ташкил қилади.

Тарбиявий коррекцион фаолиятнинг навбатдаги тамойили – инсонпарварлик. Инсонийлик ўз таркибига инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар ўртасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш, дўстлик, ота-онага ҳурмат, Ватанга садоқат, меҳнатсеварлик, диёнатлилиқ каби фазилатларни қамраб олади. Ота-боболаримиз болаларда ёшлиқдан ана шундай гўзал фазилатларни қарор топтиришга катта аҳамият берганлар.

Инсонпарварлик тамойили тарбияланувчида шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашда, таълим-тарбия жараёнини тарбияланувчи имкониятларидан, унинг қизиқишлари ҳамда эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилишда ўз аксини топади.

Тарбиявий-коррекцион фаолиятни ташкил қилишда инсонпарварлик тамойилига тарбияланувчи шахсини ҳурмат қилиш ва оқилона талабчанлик тамойили билан биргаликда риоя қилинади. Бунда, “оқилона талабчанлик” деганда педагогик жараённи тарбияланувчи шахсида ижобий фазилатларни шакллантиришга йўналтирилганлиги тушунилади.

Нисбий талабчанлик – коррекцион фаолият мақсади бўлмасдан, тарбияланувчи шахси тақдири, унинг барча талабларни онгли равишда қабул қилиши ҳамда уларга риоя қилиши, хулқи ва қадриятларини коррекция қилинишига нисбатан бўлган ишончни шакллантиришга қаратилган бўлиши керак. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, тарбиячининг талабчанлиги тарбияланувчи ғурурига ва шахсиятига тегмаслиги шарт.

Тарбияланувчи шахсининг ижобий, кучли сифатларига таяниш тамойили юқорида келтирилган тамойилларнинг давомидир. Тарбияланувчига фақатгина инсонпарварлик билан муносабатда бўлиш, уни шахс сифатида ҳурмат қилиш,

педагог сифатидаги хушёрлик, характери ва хулқидаги салбий сифатлар қаторида унинг ҳимоясиз эканлигини кўра билиш, комилликка интилиш тарбиявий коррекцион фаолиятни самарали ташкил қилишга имкон беради.

Ижобий фазилатларга таяниш, уларни кучайтириш ва ривожлантириш ва шу йўл билан салбий сифатларини бартараф этиш орқали баркамол авлодни шакллантириш лозим. Ўсмирлар илк муваффақиятларга эришганларида, хулқ-атворларининг янги ва нисбатан самарали шакллари ўзлаштирилганларида уларда ўз кучларига ва олдиларига қўйган мақсадларига эришишларига бўлган ишонч кучайиб боради.

Шахснинг онглилиги ва фаоллиги тарбиявий коррекцион жараённинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Ушбу тамойил тарбияланувчи шахсида режалаштирилаётган коррекцион ўзгаришларга эҳтиёжнинг шакллантириш билан боғлиқ. Шахсда коррекцион ўзгаришларга эҳтиёж, коррекция жараёнининг маълум босқичида, пассив муносабатдан фаол муносабатга ўзгариши мумкин. Тарбиявий коррекцион фаолиятда бу жараёни “тарбияланувчида тарбиявий фаолликнинг шаклланиш жараёни” ҳам дейилади. Тарбияланувчи бундай ҳолат шакллантирилганида у коррекцион ўзгаришларни амалга оширишда тарбиячига фаол ёрдам бера бошлайди – тарбияланувчи тарбиявий коррекцион таъсир объектидан тарбиявий коррекцион таъсир субъектига айланади. Бу эса тарбиявий коррекция ишининг муваффақиятини кафолатлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. 2022 йил 28 январь, ПФ60-сон. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон). www.lex.uz (24.02.2022)
2. Инчхонская декларация - Образованиэ-2030: обеспечениэ всеобщего инклюзивного и справедливого качественного образования и обучения на протяжении всей жизни. (Электрон ресурс). [хттпс://унесдос.унессо.орг/арк:/48223/пф0000233137_рус](https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/пф0000233137_рус) (25.02.2022)
3. Самсонова Е.В. Модель организатсии инклюзивного образовательного процесса в детском саду. Инклюзивноэ образованиэ. Выпуск
4. Методическиэ рекомендатсии по организатсии 34 инклюзивного образовательного процесса в детском саду. – Москва: сентр «Школная книга», 2010. 55 стр. 4. Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси. Ўқув қўлланма. Т., “Ўқитувчи”, 1993.148 б.